

“Тасдиқлайман”
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
бош мухандиси

Ш.Т.Кадиров
“09” 8 инвар 2025 йил

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ департаментлари, бошқармалари,
марказлари, акциядорлик жамиятлари, корхона ва ташкилот
раҳбарларининг ҳамда меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги
мутахассисларининг меҳнат муҳофазаси бўйича билимини тест усулида
синаш учун саволлар тўплами

I. Меҳнат муҳофазаси.

1-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқлар неча турга бўлинади?

Жавоб: Кириш ва иш жойидаги.

2-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича иш жойидаги йўл-йўриқлар неча турга бўлинади?

Жавоб: Бирламчи, жорий, даврий, навбатдан ташқари.

3-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича билим текшируви турлари неча турга бўлинади?

Жавоб: Бирламчи, даврий, навбатдан ташқари.

4-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича 1-сонли огоҳлантириш талони олинганда навбатдан ташқари ўқитиш ва билимини текшириш тартиби қандай?

Жавоб: 2 кун 2 соатдан ўқитилиб 15 кун муддатда билими текширилади.

5-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича 2-сонли огоҳлантириш талони олинганда навбатдан ташқари ўқитиш ва билимини текшириш тартиби қандай?

Жавоб: 3 кун 2 соатдан ўқитилиб 15 кун муддатда билими текширилади.

6-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича кириш йўл-йўриқни ўтказиш мақсади?

Жавоб: Иш шароитлари, ички меҳнат тартиб қоидалари ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари билан таништириш.

7-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича бирламчи йўл-йўриқни ўтказиш мақсади?

Жавоб: Ишлаб чиқаришнинг аниқ ҳолати ва муайян иш жойида хавфсиз ишлаш усуслари билан таништириш.

8-Савол: Меҳнат муҳофазаси бўйича даврий йўл-йўриқни ўтказиш мақсади?

Жавоб: Муайян вақт ўтгандан кейин ишловчининг асосий касби ва бошқа тез-тез такрорланадиган иш турлари бўйича билимларини янгилаш ва хавфсизликлар тўғрисида қўшимча тушунчалар бериш.

9-Савол: Ишловчи хизмат сафарига юборилганда меҳнат муҳофазаси бўйича қайси йўл-йўриқ ўтказилади?

Жавоб: Навбатдан ташқари йўл-йўриқ.

10-Савол: Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфи бўйича аттестациядан ўтказиш даврийлиги қанча?

Жавоб: Ҳар беш йилда.

11-Савол: Меҳнатни муҳофaza қилиш йўриқномаларининг хавфсизлик талаблари қайси асосий бўлимлардан иборат бўлади?

Жавоб: Хавфсизликнинг умумий талаблари, иш бошлиш олдидан хавфсизлик талаблари, иш давомида хавфсизлик талаблари, авариявий ҳолатларда хавфсизлик талаблари ва иш тугагандан сўнг хавфсизлик талаблари.

12-Савол: Меҳнатни муҳофaza қилиш йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш муддати қанча?

Жавоб: Хавфли ва ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ йўриқномалар ҳар 3 йилда, бошка қолган йўриқномалар ҳар 5 йилда.

13-Савол: Иш вақтидан ташқари ишларнинг энг кўп давомийлиги қанчадан ошмаслиги зарур?

Жавоб: Сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан (меҳнат шароитлари ноқулай бўлган ишларда- бир кунда икки соатдан) ва йилига бир юз йигирма соатдан ошмаслиги керак.

14-Савол: Сменалар орасидаги ҳар кунги дам олишнинг энг кам давомийлиги қанча?

Жавоб: Ўн икки соат.

15-Савол: Қандай интизомий жазо чоралари мавжуд?

Жавоб: Ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима, (ички меҳнат тартиби бўйича эллик фоиздан кўп бўлмаган), меҳнат шартномасини бекор қилиш.

16-Савол: Кимлар меҳнатни муҳофaza қилиш соҳасидаги давомийлиги 72 академик соатдан кам бўлмаган малака оширишдан ўтказилади?

Жавоб: Ташкилотларнинг меҳнатни муҳофaza қилиш хизмати раҳбари ва мутахассислари.

17-Савол: Кимлар меҳнатни муҳофaza қилиш соҳасидаги давомийлиги 36 академик соатдан кам бўлмаган малака оширишдан ўтказилади?

Жавоб: Иш берувчилар томонидан ўрнатилган тартибда белгиланган меҳнатни муҳофaza қилишни таъминлашга жавобгар раҳбарлар ва мутахассислар.

18-Савол: Меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича билимлар текшируви чоғида қониқарсиз баҳо олган раҳбар ва мутахассис қанча муддатда такрорий имтиҳон топшириш шарт?

Жавоб: Бир ой муддатда.

19-Савол: Мехнатни муҳофаза қилиш бўйича билимлар текшируви чоғида қониқарсиз баҳо олган ишчи ходим қанча муддатда тақорий имтиҳон топшириш шарт?

Жавоб: 15 кун муддатда.

20-Савол: Мехнат муҳофазаси бўйича қайси назорат тури маъмурий-жамоатчилик назорати ҳисобланади?

Жавоб: Мехнат муҳофазаси ҳолатини уч босқичли назорати.

21-Савол: 1 ва 2-сонли огоҳлантириш талони олингандан қунидан қанча муддат ўтганидан кейин ходимга янги огоҳлантириш талони расмийлаштириб берилади?

Жавоб: 6 ойдан сўнг.

22-Савол: 1-сонли огоҳлантириш талони олингандан ходимга нисбатан қайси интизомий жазо чораси қўлланилади?

Жавоб: Ҳайфсан эълон қилинади.

23-Савол: 2-сонли огоҳлантириш талони олингандан ходимга нисбатан қайси интизомий жазо чораси қўлланилади?

Жавоб: Ўртача ойлик иш ҳақининг 50% жарима ушлаб қолиш интизомий жазо чораси қўлланилади.

24-Савол: 3-сонли огоҳлантириш талони олингандан ходимга нисбатан қайси интизомий жазо чораси қўлланилади?

Жавоб: Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

25-Савол: Қайси ҳолатда жорий йўл-йўриқ телефон орқали ўтказилади?

Жавоб: Корхонадан 3 км ва ундан олисда ишлаётган бир ёки кам сонли (2 киши) гуруҳдаги ходимларга жорий йўл-йўриқ телефон орқали ўтказилади.

II. Касаба уюшмаси бўйича.

1-Савол: Қанча муддатда касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли?

Жавоб:

агар ўн кунлик муддатда касаба уюшмаси қўмитаси қабул қилинган қарор ҳақида хабар қилмаса, иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ушбу Кодексда белгиланган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг розилигисиз бекор қилишга ҳақли.

2-Савол: Мехнат шартномасини бекор қилиш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимомаси олингандан эътиборан касаба уюшмаси қўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги масаласи бўйича қабул қилинган қарорни неча кунда иш берувчига хабар қилиши керак?

Жавоб: Ўн кун муддатда.

3-Савол: Мехнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг хуқуқий хужжатларига

нималар киради?

Жавоб: Жамоа келишувлари;
жамоа шартномаси;

ташкилотнинг иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан
келишувга кўра қабул қилинган бошқа ички хужжатлари.

4-Савол: Ташкилотда ёки жисмоний шахс бўлган иш берувчидага ходимларнинг
вакиллигини ҳамда уларнинг ҳукуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни
бошланғич даражада ким амалга оширади?

Жавоб: Касаба уюшмаси қўмитаси.

5-Савол: Мехнат муҳофазаси бўйича вакилнинг сайланиш муддати қанча?

Жавоб: Камида 1 йил муддатга.

6-Савол: Мехнат муҳофазаси бўйича қонунчилик ва бошқа меъёрий хужжатларга
амал қилишнинг жамоатчилик назоратини ким амалга оширади?

Жавоб: Мехнат муҳофазаси бўйича вакил.

7-Савол: Мехнат муҳофазаси бўйича вакил этиб кимларни сайлаш мумкин эмас?

Жавоб: Лавозим бўйича меҳнат муҳофазаси ҳолатига маъсул бўлган мансабдор
шахслар ҳамда меҳнат муҳофазаси хизматининг мутахассислари.

8-Савол: Мехнатни муҳофаза қилиш вакилининг ўқиши ва ўз вазифаларини иш
вақтида бажариши учун ўртача маоши сақланган ҳолда қанча вақт ажратилади?

Жавоб: Хафтада икки соатдан кам бўлмаган вақт ажратилади.

9-Савол: Жамоа шартномасининг бажарилиши устидан назорат ким томонидан
амалга оширилади?

Жавоб: Шартнома тарафларининг вакиллари, ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича
комиссия, меҳнат жамоаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлигининг тегишли органлари ҳамда бошқа ваколатли органлар
томонидан.

10-Савол: Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизимлари мавжуд?

Жавоб: Тарифли ва тарифсиз.

11-Савол: Иш ўрни таърифи?

Жавоб: Меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш
жойи.

12-Савол: Ходим алкоголли ичимлиқдан, гиёхвандлик ёки токсик модда
таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келганида ёки ишда бўлганида иш берувчи
қандай чора кўради?

Жавоб: Иш берувчи ходимни ишдан четлаштириши шарт.

13-Савол: Таътиллар ва уларнинг турлари?

Жавоб: Иш берувчи билан тузилган меҳнат шартномаси асосида меҳнат
фаолиятини амалга ошираётган ходимлар учун таътилларнинг қўйидаги турлари
назарда тутилган:

- ҳар йилги меҳнат таътили;
- ижтимоий таътиллар;
- иш ҳақи қисман сақланадиган таътил;
- иш ҳақи сақланмайдиган таътил.

14-Савол: Ходим учун янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд меҳнат шартларини ўзгартириш тўғрисидаги якка тартибдаги меҳнат низолари (даъвосиз хусусиятга эга бўлган якка тартибдаги меҳнат низолари) ким томондан ҳал этилади?

Жавоб: Иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳал этилади.

15-Савол: Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, ҳомиладор аёл, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ишга қабул қилинганда дастлабки синов даври қанча муддатга белгиланади?

Жавоб: Дастлабки синов даври белгиланмайди.

16-Савол: Меҳнат низолари бўйича комиссия якка тартибдаги меҳнат низосини ходим ариза берган қундан эътиборан неча кун ичида қўриб чиқиши шарт?

Жавоб: Ўн календарь кун ичида.

17-Савол: Меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича уч босқичли назорат текширувининг 1-босқичини ким томондан ўтказилади ва ўтказиш даврийлиги қанча?

Жавоб: Уста, бригадир, электромеханик ва меҳнатни муҳофaza қилиш бўйича вакил томонидан ҳар куни (смена) бошида. Зарур ҳолларда қўшимча равища кун (смена) давомида хам.

18-Савол: Меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича уч босқичли назорат текширувининг 2-босқичини ким томондан ўтказилади ва ўтказиш даврийлиги қанча?

Жавоб: Станция бошлиқлари (2-5 класс), цех ва участка бошлиқлари, катта электромеханик, пунктларнинг катта усталари, цех касаба уюшмасининг вакили ва меҳнатни муҳофaza қилиш вакили томонидан ҳар 10 иш кунида.

19-Савол: Меҳнат муҳофазаси ҳолати бўйича уч босқичли назорат текширувининг 3-босқичи ким томонидан ўтказилади ва ўтказиш даврийлиги қанча?

Жавоб: Корхона бошлиғи раҳбарлигидаги таркибида бош муҳандис, бошлиқ ўринбосарлари, меҳнатни муҳофaza қилиш ва хавфсизлик техникаси муҳандиси, корхона касаба уюшма қўмитасининг вакили ёки касаба уюшма қўмитаси меҳнатни муҳофaza қилиш комиссиясининг раиси бўлган комиссия томонидан ҳар 2 ойда.

20-Савол: Ўзига нисбатан иш вақтининг нормал давомийлиги белгиланган ходимлар учун ҳар кунги ишнинг давомийлиги неча соатдан ошмаслиги зарур?

Жавоб: Олти кунлик иш ҳафтасида – етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – саккиз соатдан ошмаслиги зарур.

21-Савол: Ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги неча соатдан ошмаслиги зарур?

Жавоб: Ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмаслиги зарур.

22-Савол: Ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги неча соатдан ошмаслиги зарур?

Жавоб: Хафтасига йигирма тўрт соатдан ошмаслиги зарур.

23-Савол: Ноқулай меҳнат шароитларидағи ишларда банд бўлган ходимлар учун ҳар кунги ишнинг (сменанинг) давомийлиги неча соатдан ошмаслиги зарур?

Жавоб: Олти кунлик иш ҳафтасида – олти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида – етти соату ўттиз дақиқадан ошмаслиги зарур.

24-Савол: Кимларни тунги ишга қўллаш учун розилиги ва тиббий хулоса зарур?

Жавоб: Хомиладор аёлларни, З ёшга қадар фарзандлари мавжуд бўлган аёлларни, I ва II гурух ногиронлиги мавжуд бўлган ходимларни.

25-Савол: I ва II гурух ногиронлиги бўлган ходимлар учун иш вақтининг давомийлиги қанча белгиланади.

Жавоб: Ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб.

III. Электр хавфсизлиги.

1-Савол: Қадам кучланиши нима дегани?

Жавоб: Электр токининг ердан ёки ўтказгичли полдан оқиб ўтиши натижасида юзага келадиган кучланиш ва инсоннинг бир қадами масофасида жойлашган ер (пол) юзасидаги икки нуқта орасидаги потенциал фарқига teng.

2-Савол: Қадам кучланиш зонасидан тез чиқиб кетиш учун нима қилиш керак?

Жавоб: Қадам кучланиши зонасидан оёқларни ердан узмасдан зонадан чиқиши керак.

3-Савол: Электр жиҳозларига нима мақсадда ерга улагич ўрнатилади?

Жавоб: Фазанинг корпусга қисқа туташувида инсон ва ҳайвонларни электр токидан ҳимоялаш.

4-Савол: Электр токига инсон танасининг қаршилиги неча Ом деб қабул қилинган?

Жавоб: 1000 Ом.

5-Савол: Бегона (наведённый) кучланиш нима?

Жавоб: Электр қурилмаларининг электр тармоқлари ўчирилган ҳолатда бошқа кучланишли тармоқдан электромагнит майдони ҳисобига ҳосил бўлувчи хавфли кучланиш.

6-Савол: Электр токидан жабрланувчини қутқариш учун кучланишни узишга кимнинг фармойиши керак ?

Жавоб: Ҳеч кимни.

7-Савол: Инсон учун хавфли электр токи кучланиши қанчага teng?

Жавоб: 42 В ўзгарувчан ва 110 В ўзгармас электр токи кучланишидан юқори кучланиш.

8-Савол: Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш

қоидалари ва Истеъмолчилар электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича ходимларнинг даврий билимини текшириш даврийлиги қанча?

Жавоб: Амалдаги электр ускуналарга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи персоналлар бир йилда бир маротаба, амалдаги электр ускуналарга тўғридан-тўғри хизмат кўрсатмайдиган муҳандис-техник ходимлар уч йилда бир маротаба.

9-Савол: Электр токидан жароҳатланиш хавфи бўйича хоналар қайси турга бўлинади?

Жавоб: Хавфи юқори бўлмаган, хавфи юқори бўлган, ўта хавфли.

10-Савол: Резинали диэлектрик гиламлар канча кучланишда, неча минут давомида синалади?

Жавоб: Резинали диэлектрик гиламлар электр синовдан ўтказилмайди.

11-Савол: 1000 Вга қадар ишлатиладиган дастаги изоляцияланган чилангарлик – ийғув асбоблари канча кучланишда, неча минут давомида синалади?

Жавоб: 6 кВ кучланишда 1 минут давомида ҳар 12 ойда бир маротаба синалади.

12-Савол: Ток кучини ўлчов бирлиги нима?

Жавоб: Ампер.

13-Савол: Кучланиш ўлчов бирлиги нима?

Жавоб: Вольт.

14-Савол: Қайси хужжатга асосан контакт тармоғида, электр қурилмаларида ва ҳаво электр узатиш линияларида ишлар бажарилади?

Жавоб: Наряд-ижозат.

15-Савол: Электр ҳавфсизлигини таъминловчи шахсий муҳофаза аслахалари сифатида нималардан фойдаланилади?

Жавоб: Резина қўлқоплар, дастаси яхши муҳофазаланган электр асбоблари, резина калишлар, резина этиклар, резина гиламчалар ва ток ўтказмайдиган тагликлар.

16-Савол: Диэлектрик қўлқоп канча кучланишда, неча минут давомида синалади?

Жавоб: 6 кВ кучланишда 1 минут давомида.

17-Савол: Диэлектрик қўлқопларнинг синовдан ўтказиш муддати?

Жавоб: 6 ойда 1 марта.

18-Савол: Резина диэлектрик калишларнинг синовдан ўтказиш муддати?

Жавоб: 1 йилда 1 марта.

19-Савол: Ерга улаш қурилмасига қандай талаблар қўйилади?

Жавоб: Ерга улаш қурилмаси электр билан ишлаётган ҳар қандай қурилма металл қисмларига ўтиб кетиши мумкин бўлган кучланиш таъсиридан одамларни ток уриш хавфидан батамом халос қилиш керак.

20-Савол: Хавфсизлик белгилари қандай гурухларга бўлинади?

Жавоб: Тақиқловчи, огохлантирувчи, кўрсатувчи ва буюрувчи.

21-Савол: Кўчма ерга улагичлар қанча вақтда кўздан кечириш шарт?

Жавоб: Ҳар 3 ойдан ошмаган ҳолда.

22-Савол: Кучланиши неча вольтдан юқори электр токига уланган ускуналар ерлантирилиши (заземления) зарур?

Жавоб: 36 Вольт

23-Савол: Диэлектрик бўтиларининг синов муддати қанча?

Жавоб: 36 ойда 1 марта.

24-Савол: Устунларнинг 5 метрдан юқорисида ишлаш учун ходим электр хавфсизлиги бўйича неchanчи малакавий гурух бўлиши лозим?

Жавоб: Электр хавфсизлиги бўйича 3 малакавий гурух.

25-Савол: Электр ёйи ва электр токи таъсирида куйганда жабрланувчига қандай ёрдам кўрсатилиши керак?

Жавоб: жабрланувчини (куйиш майдонининг юзасидан қатъий назар) даволлаш муассасасига етказиш керак, чунки электр токининг организмга таъсир этиш хусусиятларини эътиборга олиб, у доимий равишда шифокор кузатуви остида бўлиши зарур. Унинг юраги, жароҳатланган вақтдан бир неча соат ёки бир сутка кейин тўхтаб қолиши мумкин.

IV. Ёнғин хавфсизлиги.

1-Савол: Углекислотали ўт-ўчиригичларни қайта тўлдириш даврийлиги қанча?

Жавоб: 5 йилда бир маротаба қайта тўлдирилиши зарур.

2-савол: Ёнғин хавфсизлиги хизмати ёнғин тўғрисида хабардор қилинганда қайси маълумотлар тақдим этилади?

Жавоб: Объект манзили, ёнғин ҳосил бўлган жойнинг аниқ жойи ва ўзининг Ф.И.Ш. тўғрисида маълумот.

3-Савол: Бирламчи ўт ўчириш воситаларини санаб ўтинг.

Жавоб: Ўт-ўчиригичлар, сув, кум, кигиз, челак, белкурак, болта, илгак, лом.

4-Савол: Жамоат биноси ва иморатларининг ҳар бир қаватида йўлакларда ўт-ўчиригичларнинг энг кам микдори қанча бўлиши керак?

Жавоб: 2 та.

5-Савол: Ўт ўчириш қалқони ёнида сув сифимининг ҳажми қанча бўлиши керак?

Жавоб: 200 литр ҳажмдан кам бўлмаган.

6-Савол: Ёниш турига қараб ёнғинлар нечта синфга бўлинади?

Жавоб: Ёнғинлар А, В, С, D, Е синфига бўлинади.

7-Савол: Бугунги кунда қайси ўт-ўчиригичлардан фойдаланилади?

Жавоб: Бугунги кунда фақат кукунли ва углекислотали ўт-ўчиригичлардан

фойдаланилади.

8-Савол: “А” син fidаги ёнғинга қайси ёнғинлар киради?

Жавоб: Органик табиатдаги қаттиқ материаллар ҳисобланган ёғоч, қофоз, тамаки ва бошқалар орасыда юзага келган ёнғинлар.

9-Савол: “В” син fidаги ёнғинга қайси ёнғинлар киради?

Жавоб: Бензин маҳсулотлари, бўёқ, эритувчилар, ёғ ва мой каби суюқ ёки суюлтирилган қаттиқ моддалар ёнадиган ёнғинлар.

10-Савол: “С” син fidаги ёнғинга қайси ёнғинлар киради?

Жавоб: Газ ёнғини.

11-Савол: “Д” син fidаги ёнғинга қайси ёнғинлар киради?

Жавоб: Магний, алюминий, натрий каби металлар ёнган пайтдаги ёнғин.

12-Савол: “Е” син fidаги ёнғинга қайси ёнғинлар киради?

Жавоб: Юқори кучланиш остидаги электр воситалари кувиши оқибатида келиб чиқадиган ёнғинлар.

13-Савол: Углекислотали (ОУ) ўт-ўчиригичдан фойдаланишда раструби неча градусгача музлайди?

Жавоб: -70 дан -75 градусгача музлайди.

14-Савол: Нима учун ёнғин ўчириш шитларида челакларнинг паст қисми текис бўлмайди?

Жавоб: Ёнғин ўчириш вақтида ерга қўймасдан қўлма-қўл узатиш мақсадида.

15-Савол: Нима сабабдан ўт ўчириш қалқонида болтанинг сопи ёғочдан ясалади?

Жавоб: Фойдаланувчи электр симларини чопишида электр токидан жароҳатланишини олдини олиш учун.

16-Савол: Газпайвандлаш ишлари амалга ошириладиган жойдан портлаш хавфига эга бўлган кислород, пропан балонлари тўплами ҳамда ацетилен генераторларига қадар масофа қанча бўлиши керак?

Жавоб: 10 метр.

17-Савол: Омборларда стеллажлар орасидаги йўлаклар кенглиги қанча бўлиши керак?

Жавоб: Камида 1 метр.

18-Савол: Ёнғинни ўчиришга мўлжалланган сув бочкаларига талаблар?

Жавоб: Ёнғинни ўчириш бочкалари 200 литр сифимга ва қопқоққа эга бўлиши, қизил ранга бўялган ва оқ бўёқ билан “Ёнғинни ўчириш учун” сўзлари ёзилган бўлиши керак.

19-Савол: Ёнғин ўчириш челагига бўлган талаблар?

Жавоб: Қизил рангга бўялган ва оқ бўёқ билан “Ёнғин челаги” сўзлари ёзилган бўлиши керак.

20-Савол: Эвакуация қилиш режасида рангларга бўлган талаблар?

Жавоб: Қаватлардаги одамларни эвакуация қилишининг асосий йўллари режада тўғри чизик билан, захира йўллари эса пунктир чизик билан – яшил рангда, режанинг график қисмидаги белгиларни идрок қилишни яхшилаш мақсадида ташқи контур (ёнфинга қарши жўмраклардан ташқари) қизил рангда, ёнфинга карши жўмрак – кўк рангда.

21-Савол: Ёнгин хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқлар турлари?

Жавоб: Ёнгин хавфсизлиги бўйича йўл-йўриқлар кириш, бирламчи, такорий, режадан ташқари, мақсадли турларига бўлинади.

22-Савол: Бино ва иншоотларнинг ташқи ёнгин нарвонлари ва том устидаги тўсиқлар йилига неча маротаба чидамлилиги бўйича синовдан ўтказилиши керак?

Жавоб: Камида 2 маротаба.

23-Савол: Бир вақтнинг ўзида қаватида неча нафар одамлар бўладиган бино ва иншоотларнинг (турас жойлардан ташқари) йўлаклари ва эвакуация йўлларининг кўринадиган жойларида ёнгин вақтида бинони тарқ этиш эвакуация режаси (схемаси) ўрнатилган бўлиши ва давлат стандарти талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган ёнгин хавфсизлиги белгилари жойлаштирилган бўлиши керак?

Жавоб: 10 нафардан ортиқ.

24-Савол: Оловдан ҳимоялаш таркиби билан ишлов берилган (шимдирилган) конструкция ва материалларнинг ҳолати йилига неча маротаба текширилиши лозим?

Жавоб: Камида 2 марта.

25-Савол: Нечта одам сифимига эга бўлган муассасаларда энг яқин ёнгин-қутқарув бўлинмаси билан тўғридан-тўғри телефон алоқаси ўрнатилиши керак.

Жавоб: 1000 нафар ва ундан ортиқ.

V. Баландликда ишларни амалга оширишда хавфсизлик талаблари.

1-Савол: Қайси ишлар баландликда амалга ошириладиган ишлар ҳисобланади?

Жавоб: 1,3 метрдан баланд.

2-Савол: Қайси ишлар юқорида (верхолаз) амалга ошириладиган ишлар ҳисобланади?

Жавоб: 5 метрадн юқори.

3-Савол: Фойдаланишда бўлган ёғоч нарвонни синаш даврийлиги қанча?

Жавоб: Ҳар 6 ойда 1 маротаба.

4-Савол: Фойдаланишда бўлган метал нарвонни синаш даврийлиги қанча?

Жавоб: Ҳар йили 1 маротаба.

5-Савол: Кўчма нарвон ва нарвончалар тайёрлангандан кейин ва таъмирдан чиққандан сўнг қанча статик юкланишда синаб кўрилиши керак?

Жавоб: 1200 Н (120 кг.)

6-Савол: Ёғоч нарвонларнинг максимал узунлиги қанча бўлиши керак?

Жавоб: 5 метр.

7-Савол: Ёғоч нарвонни баландлик жойлашган қисмининг ва пастда жойлашган қисмининг кенглиги қанча бўлиши керак?

Жавоб: Баландлик жойлашган қисмининг кенглиги камида 300 мм ва пастда жойлашган қисмининг кенглиги камида 400 мм.

8-Савол: Ёғоч нарвон қайси рангга бўялиши керак?

Жавоб: Ёғоч нарвонни бўяш тақиқланади.

9-Савол: Нарвон ва нарвончалар қўлланишдан олдин ким томондан кўриб чиқилиши керак?

Жавоб: Иш бошқарувчи томонидан.

10-Савол: Нарвонларнинг узунлиги 2 метрдан ортиқ бўлганда ўрнатиладиган қўшимча тортиб турувчи болтлар диаметри ва улар орасидаги масофа қанча бўлиши керак?

Жавоб: 8 мм диаметрли болтлар орасидаги масофа 2 метрдан ошмаслиги лозим.

11-Савол: Оғирлиги қанча бўлган буюмларни нарвон орқали олиб чиқиш ва туширишда елкага тақиладиган халталардан фойдаланишга рухсат берилади.

Жавоб: 10 килограмдан кам бўлган.

12-Савол: Ҳимоя камарлари турларини санаб ўтинг?

Жавоб: Тасмали ва тасмасиз.

13-Савол: Ҳимоя камари қайси муддатда ва қанча юк билан статик синааб кўрилади?

Жавоб: Камар ҳар 6 ойда 2250 Н га (225 кг.) teng бўлган статик юқда синааб кўрилиши керак.

14-Савол: Қўшимча боғичга эга бўлмаган нарвонни қандай қияликка қадар ўрнатиш мумкин?

Жавоб: Нарвоннинг юқори қисмини қўшимча боғичсиз горизонталига 75°C дан ортиқ бурчак остида ўрнатиш ман этилади.

15-Савол: Қанча оғирликдаги юкларни юқорига кўтариш (тушириш) ишлари узунлиги кўтариш (тушириш) баландлителгининг уч бараваридан кам бўлмаган арқон ёрдамида амалга оширилади?

Жавоб: Массаси 20 килограмм ва ундан камроқ юкларни.

16-Савол: Нарвон погоналари ва ён томон ёғочларида қанча узунликда ва чуқурликда ёриқлар бўлишига рухсат берилади?

Жавоб: Узунлиги 100 мм.дан, чуқурлиги 5 мм.дан ортиқ бўлмаслиги зарур.

17-Савол: Монтёрларга қанча баландликка қадар бўлган ёғоч таянчларга

тирноқлар билан күтарилишига рухсат берилади?

Жавоб: 15 метрга қадар.

18-Савол: Нарвоннинг юқори қисмини қўшимча боғичсиз қанча бурчакдаги қияликка қадар ўрнатиш ман этилади.

Жавоб: Горизонталига 75°C дан ортиқ бурчакда.

19-Савол: Қанча баландликка қадар бўлган ҳавозалар ва сўриларнинг ишончли ўрнатилганини иш бошқарувчи ёки уста томонидан текширилиб, қабул қилингандан кейин эксплуатация қилиниши лозим?

Жавоб: 4 метрга қадар.

20-Савол: Қанча баландликка қадар бўлган ҳавозалар иш берувчи ташкилот тайинлаган комиссия томонидан қабул қилиниб, далолатнома расмийлаштирилгандан кейин эксплуатация қилинади.

Жавоб: 4 метрдан баланд.

21-Савол: Қандай тезлиқда шамол эсаётган вақтда ҳавозаларни кўчириш мумкин эмас.

Жавоб: Тезлиги 10 м/с дан юқори.

22-Савол: Ҳавозалар устида тўшама сифатида фойдаланиладиган ёғоч тахталарнинг қалинлиги қанча бўлиши керак?

Жавоб: Камида 50 мм.

23-Савол: Курилиш - монтаж ташкилотларида ҳавозалар ҳолатини иш юритувчи ёки уста неча кунда бир маротаба қўрикдан ўтказиши керак ва қайси хужжатни расмийлаштириши керак?

Жавоб: Ҳар 10 кунда қўрикдан ўтказиб, қўрик натижаларини “Ҳавозаларни қабул қилиш ва қурикдан ўтказиш журналига” расмийлаштириб бориши керак.

24-Савол: Ҳавозалар тупроқли ерга ўрнатилганда унинг оёқлари қандай қалинликдаги ёғоч тахтага ўрнатилади?

Жавоб: Камида 50 мм.

25-Савол: Ҳавоза қанча баландликда йигилганда яшин қайтаргичлар ўрнатилиши шарт?

Жавоб: 8 метр ва ундан баланд.

VI. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни текшириш, ҳисобга олиш ва тўловларни амалга ошириш.

1-Савол: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар оғирлик даражасига мувофиқ нечи турга таснифланади?

Жавоб: 4 турга – ўлим, оғир, ўрта оғир ва оғир бўлмаган.

2-Савол: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш далолатномасига асосан қайси хужжат расмийлаштирилади?

Жавоб: Н-1 шаклдаги далолатнома.

3-Савол: Қайси бахтсиз ҳодисалар махсус комиссия томонидан текширилади?

Жавоб: Оқибати ўрта оғир, оғир, ўлим ва гурухий якунланган бахтсиз ҳодисалар.

4-Савол: Қайси бахтсиз ҳодисалар текширилмайди ва ҳисобга олинмайди?

Жавоб: Табиий ўлим, ўз жонига қасд қилиш, ўз соғлиғига қастдан шикаст етказиш ва жиноят содир этишда содир бўлган бахтсиз ҳодиса.

5-Савол: Ўлим билан якунланган ва махсус комиссия томонидан ишлаб чиқариш билан боғлиқ деб таснифланган бахтсиз ҳодисада боқувчисини йўқотганларга қанча миқдорда бир марталик товон пули тўланади?

Жавоб: Вафот этганинг ўртача олти йиллик иш ҳаққи.

6-Савол: Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса хавфли ишлаб чиқариш обьектида содир бўлса махсус текшириш комиссиясига кимнинг буйруғи асосида ва ким раис этиб тайиналанади?

Жавоб: Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасининг буйруғи билан мазкур қўмита вакили раис этиб тайинланади.

7-Савол: Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани махсус текшириш муддати қанча?

Жавоб: 15 кун.

8-Савол: Неча нафар инсоннинг ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши асосида тузилган комиссия томонидан тузилади?

Жавоб: 11 нафар ва ундан ортиқ инсоннинг ўлими.

9-Савол: Ходим билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса содир бўлганида текширув далолатномасига асосан неча нусхада Н-1 шклдаги далолатнома расмийлаштирилади?

Жавоб: 4 нусхада.

10-Савол: Жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги бахтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (бош) давлат меҳнат техник инспекторининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан бошлаб қанча муддатда текширилади?

Жавоб: Бир ой муддатда.

11-Савол: Неча киши билан содир бўлган бахтсиз ҳодисани махсус текшириш Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги қарори билан ўтказилади?

Жавоб: Уч нафардан ўн бир нафаргача инсон билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса.

12-Савол: Оқибати енгил бўлган бахтсиз ҳодиса ким томондан ва неча кунда текширилиши керак?

Жавоб: Иш берувчининг буйруғи билан тузилган комиссия томонидан 3 иш кунида.

13-Савол: Иш берувчи билан давлат меҳнат техника назоратчиси ўртасидаги англашилмовчиликни ким ҳал қиласиди?

Жавоб: Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош давлат техник инспектори.

14-Савол: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибати вафот этган ходимнинг дағи маросими учун сұғурта компанияси томонидан қанча миқдорда пул миқдори ажратилади?

Жавоб: Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробари.

15-Савол: Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сұғурта қилиш түғрисида шартнома қаёндан кучга киради ва сұғурта полиси расмийлаштирилади?

Жавоб: Иш берувчи томонидан сұғурта ташкилотига сұғурта мукофоти тўланган кундан бошлаб.

16-Савол: Иш берувчи у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ёки иш берувчилар — жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб неча кун ичида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сұғурталаниши керак?

Жавоб: 15 кун.

17-Савол: Агар мажбурий сұғурта қилиш шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан кейин, кўрсатилган шартнома амал қилған даврда рўй берган сұғурта ҳодисаси оқибатида аниқланган зарар миқдори белгиланган тартибда қайта кўриб чиқилса, у ҳолда бундай зарарни қоплаш бўйича мажбурияти кимнинг зиммасида бўлади?

Жавоб: Иш берувчининг зиммасида бўлади.

18-Савол: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида етказилган зарарни тўлаш түғрисидаги аризани иш берувчи ариза олинган кундан бошлаб неча кунда кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши шарт?

Жавоб: 10 кун муддатда.

19-Савол: Иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида зарарни тўлаш ёки асосланган рад этиш ҳақидаги буйруқ чиқарилганда нусхаси ходимга ёки манфаатдор шахсларга буйруқ чиқарилган кундан бошлаб неча кун оралиғида топширилиши шарт?

Жавоб: 3 кун муддатда.

20-Савол: Меҳнат жароҳати учун жавобгар бўлган юридик шахс тутатилган тақдирда тутатиш комиссияси зарарни тўлаш суммасини қаерга ўтказади?

Жавоб: Тутатилаётган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жой бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари жамланадиган бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлимларининг маҳсус мақсадли бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига ўтказиши керак.

21-Савол: Ходим меҳнат жароҳатига боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда, иш берувчи кимларга зарарни тўлаши шарт?

Жавоб: Марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахсларга:
ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
марҳум вафот этган кунгача ундан пенсия (нафақа) олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга;
марҳумнинг вафотидан сўнг туғилган фарзандига;
ота-оналаридан бирига;
умр йўлдошига ёки оиласининг ишламайдиган ва вафот этганнинг 3 ёшга тўлмаган болалари, укалари, сингиллари ёки набиралари парвариши билан банд бўлган бошқа аъзосига.

22-Савол: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқатсиз шахслар кимлар ҳисобланади?

Жавоб: 18 ёшдан ошган шахслар, агар улар шу ёшга етгунга қадар ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган бўлса;

60 ёшга тўлган эркаклар ҳамда 55 ёшга тўлган аёллар;
белгиланган тартибда ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилган шахслар.

23-Савол: Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган ходимнинг қарамоғида бўлган фарзанди ўқув юрти талабаси бўлса неча ёшга қадар заар тўловини олиш ҳуқуқига эга?

Жавоб: 23 ёшгача.

24-Савол: Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани текшириш якунларига кўра суғурталовчига суғурта товони талабидан иборат бўлган аризага қайси хужжатлар илова қилинади?

Жавоб: Иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса оқибатларига кўра етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисида буйруғининг нусхаси;

ходимнинг ёки наф олувчининг етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаби кўрсатилган, иш берувчининг номига ёзилган аризасининг нусхаси;

суғурта ҳодисаси юз бергунига қадар ходим олган ўртacha ойлик ёки йиллик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;

меҳнат шартномасининг (контрактнинг) нусхаси;

касб касаллигида — ходимнинг касб касаллиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса;

ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса содир бўлганлигини ва ходим учун унинг оқибатини тасдиқловчи хужжатлар (ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани махсус текшириш далолатномаси, тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг ҳулосаси, низолар юзага келган ҳолларда эса — суднинг қарори).

Ходим вафот этган тақдирда ходимнинг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси ва наф олувчининг заарнинг ўрни қопланишига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатлар ҳам илова қилинади.

25-Савол: Иш берувчи мажбурий суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта товони пули ўзининг ҳисоб рақамига тушган кундан бошлаб неча кун ичида

аннуитетлар шартномаси бўйича сугурталовчи билан аннуитетлар шартномаси тузиши шарт?

Жавоб: Етти иш куни мобайнида.

VII. Жабрланганга шифокордан олдин ёрдам кўрсатиш.

1-Савол: Шифокор келгунга қадар кўрсатиладиган ёрдам нима дегани?

Жавоб: Тиббиётдан ҳабари бўлмаган ишчи ходим томонидан ишлаб чиқаришда жароҳатланган шахснинг ҳаётини сақлаб қолиш ва уни тиклашга йўналтирилган комплекс ҳатти-ҳаракатлар.

2-Савол: Қон кетишнинг қайси турларида чирмов (жгут) қўйилади?

Жавоб: Артериал ва вена томирларидан қон оқишини тўхтатиш учун.

3-Савол: Қон тўхтатувчи чирмов (жгут) қанча вақтга қўйилади?

Жавоб: Йилнинг иллиқ даврида икки соатдан, совуқ даврида бир соатдан ошмаслиги зарур.

4-Савол: Жароҳатлар чуқурлиги бўйича биринчи даражали куйишда қайси белгилар кузатилади?

Жавоб: Тери қизаради ва шишади.

5-Савол: Жароҳатлар чуқурлиги бўйича иккинчи даражали куйишда қайси белгилар кузатилади?

Жавоб: Сувли пуфаклар пайдо бўлади.

6-Савол: Жароҳатлар чуқурлиги бўйича учинчи даражали куйишда қайси белгилар кузатилади?

Жавоб: Терининг сиртқи ва чуқур қатламларининг ўлиши пайдо бўлади.

7-Савол: Жароҳатлар чуқурлиги бўйича тўртинчи даражали куйишда қайси белгилар кузатилади?

Жавоб: Терининг кўмирга айланиши, мушаклар ва мускул пайлари, суюкларнинг жароҳатланиши кузатилади.

8-Савол: Жабрланган одамга ёрдам кўрсатиш учун кузатиб турган шахс заҳарланган хонага киришидан олдин нимани тақиб олиши лозим?

Жавоб: Кислородли (изоляциялайдиган) ёки шлангли противогаз ниқобини.

9-Савол: Юрек тўхтаган вақтдан бошлаб қанча муддат оралиғида кўрсатилган жонлантириш муолажалари (сунний нафас бериш, юракни уқалаш) самара беради?

Жавоб: 4 дақиқа ўтмаган бўлса.

10-Савол: Бир киши томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганда сунний нафас бериш ва юракни уқалаш нисбати қанча?

Жавоб: 2 марта нафас берилиб 15 марта юрак уқаланади.

11-Савол: Икки киши томонидан биринчи тиббий ёрдам кўрсатилганда сунний нафас бериш ва юракни уқалаш нисбати қанча?

Жавоб: 1 марта нафас берилиб 5 марта юрак уқаланади.

12-Савол: Метил спирти (метанол) нима ёрдамида күсизлантирилади (нейтраллантирилади)?

Жавоб: Этил спирти.

13-Савол: Умуртқа поғонаси синганда бемор қайси ҳолатда күчирилади?

Жавоб: Беморни тагига теккис ёғоч тахта қўйиб чалқанчасига қорни билан ётқизган ҳолда күчирилади.

14-Савол: Тос суяги синган бемор қайси ҳолатда күчирилади?

Жавоб: Бемор бели билан ётқизилиб, тиззалири букилган, тўпиқлари бирлаштирилган ва тиззалири остига ўралган матрасни ёки уст-кийим ўрамаси қўйилган ҳолда “Курбақа” ҳолатида күчирилади.

15-Савол: Биринчи даражали термик ва электрик қуишида бирламчи нима амалга оширилиши лозим?

Жавоб: Биринчи даражали термик ва электрик қуишида инсон танасига хавфли омил (олов, иссиқ сирт, қайноқ суюқлик, газ ёки буғ ва ҳ.к) таъсири бартараф этилганидан сўнг тананинг жойларини устига совуқ сув қуиши ёки 15 – 20 дақиқага қор қуиши лозим.

16-Савол: Жароҳат олган шахснинг қўли ёки оёғи синганда беморга шифокор келгунга қадар қандай биринчи ёрдам кўрсатилади?

Жавоб: Жароҳат олган жойга шина боғлаш керак.

17-Савол: Кўп қон кетаётган беморга қандай биринчи ёрдам кўрсатиш керак?

Жавоб: Жароҳатга келаётган қон томирни маҳкам босиш керак.

18-Савол: Газ билан заҳарланишда қандай белгилар намоён бўлади?

Жавоб: Бош оғриғи, “чаккада дукилаш”, “кулоқда шанғиллаш”, умумий ҳолсизлик пайдо бўлади, бош айланиши, юракнинг тез уриб кетиши, кўнгил айниши ва қайт қилиши мумкин.

19-Савол: Хушидан кетган жабрланувчини хушига келтириш учун бурунга яқинлаштирган ҳолда ҳидлатиладиган паҳтани нимага ҳўллаш зарур?

Жавоб: Нашатир спиртига.

20-Савол: Қайси ҳолларда жабрланувчи биринчи ёрдам кўрсатиш учун бошқа жойга күчирилади?

Жавоб: Фақат унга ёки ёрдам берувчи шахсга у ерда бўлиш хавфли бўлганда ёки ўша жойда ёрдам кўрсатиб бўлмаса (масалан таянчда, мачтада, кажавада ва ҳ.к), юракка массаж қилиш имкони бўлмаганда.

21-Савол: Агар жабрланувчининг пульси яхши аниқланаётган ва унга фақат сунъий нафас олдириш керак бўлса, сунъий нафас олдириш ўртасидаги вақт оралиғи қанчани ташкил этиши керак?

Жавоб: 5 сонияни ташкил этиши керак, бу бир дақиқада 12 марта нафас

олдиришдан иборатдир.

22-Савол: Неча градусда инсон организмида моддалар алмашинуви жараёнлари деярли бутунлай тўхтаб қолади?

Жавоб: Инсон танаси ҳарорати 19°C пасайганда.

23-Савол: Неча градусда инсон организмида қон оқиши тўхтайди?

Жавоб: Инсон танаси ҳарорати 10°C пасайганда қон оқими тўхтайди.

24-Савол: Ерда ётган симга тегиниб кетган ҳамда қадам кучланишига тушиб қолган жабрланувчи ток ўтказувчи қисмлардан ажратилганда уни шу зонадан ток ўтказувчи қисмдан (симдан) неча метрга олиб чиқиш лозим.

Жавоб: Камида 8 метр масофага.

25-Савол: Лат еган жойга нималарни қўйиш тақиқланади?

Жавоб: Йод суртиш, ишқалаш ва иситувчи компресс қўйиш керак эмас, чунки бу оғриқни кучайтиради.

VIII. Темир йўлда хавфсиз ҳаракатланиш.

1-Савол: Турган вагон ёки локомотивдан қандай масофада ўтишга рухsat берилади?

Жавоб: 5 метр.

2-Савол: Узилган вагонлар орасида қандай масофа бўлганида ўтишга рухsat берилади?

Жавоб: 10 метр.

3-Савол: Умумий хавфни билдирувчи товуш сигнали қандай узатилади?

Жавоб: Битта узун ва учта қисқа товушдан иборат гурухий узатилади.

4-Савол: Ёнғин хавфини билдирувчи товуш сигнали қандай узатилади?

Жавоб: Битта узун ва иккита қисқа товушдан иборат гурухий узатилади.

5-Савол: Ҳаво хавфини билдирувчи товуш сигнали қандай узатилади?

Жавоб: 2-3 дақиқа мобайнида қисқа товушлар орқали узатилади.

6-Савол: Станция оралиқларида радиация ёки кимёвий хавфни билдирувчи товуш сигнали қандай узатилади?

Жавоб: Битта узун ва битта қисқа товушдан иборат гурухий узатилади.

7-Савол: Юқори тезюорар электропоезди ўтишига қанча вақт қолганида темир йўл изларида хизмат кўрсатувчи ишчи ходимлар панжара олдига ёки эшик мавжуд бўлганида панжарага ташқарига чиқишлари зарур?

Жавоб: 15 дақиқа қолганида.

8-Савол: Юқори тезюорар электропоезди ўтишига қанча вақт қолганида олинувчан ҳаракат бирликлари (таъмирлаш миноралари, олинувчан портал кранлари, нуқсон қидирувчи ва йўл ўлчовчи аравалар ва ҳоказо) маршрутга кирувчи темир йўл

изидан олиниши керак?

Жавоб: 30 дақиқа қолганида.

9-Савол: Электрлаштирилган темир йўлларнинг 27 кВ кучланишга эга контакт тармоғига неча метрга яқинлашиш мумкин эмас?

Жавоб: 2 метрга.

10-Савол: Темир йўлга яқин бўлган ва ногабарит ҳисобланган сунъий иншоотлар (таянч, платформа ва ҳоказо) қайси рангга ва қандай бўялади?

Жавоб: Диагональ ҳолатда сариқ ва қора рангдаги чизиқлар кетма-кетлигидан.

11-Савол: Темир йўлнинг узунаси бўйлаб ҳаракат таркиби мавжуд бўлганда темир йўлдан қандай ўтилади?

Жавоб: Ўтиш йўлаги мавжуд бўлган юк вагонлари ҳамда йўловчи вагонларнинг тамбури орқали ўтилади.

12-Савол: Темир йўлни қайси бурчак остида кесиб ўтилади?

Жавоб: 90 градус тўғри бурчак остида.

13-Савол: Локомотив олдинга ҳаракатланишидан олдин қайси товуш сигнали берилади?

Жавоб: Битта узун.

14-Савол: Локомотив орқага ҳаракатланишидан олдин қайси товуш сигнали берилади?

Жавоб: Иккита узун.

15-Савол: "Тўхта" товуш сигнали қандай узатилади?

Жавоб: Кундузи ёйилган қизил ёки сариқ байроқчанинг, кечаси - исталган рангли чироқ қўл фонарининг айлана бўйлаб ҳаракати ёки учта қисқа товуш.

16-Савол: Баландлиги 1200 мм гача бўлган юклар (йўл ишлари учун тўкиладиган балластдан ташқари) темир йўлдан қанча масофада жойлаштирилади?

Жавоб: Чекка релс каллаги ташқи чегарасидан камида 2,0 м масофада жойлаштирилади.

17-Савол: Баландлиги 1200 мм дан катта бўлган юклар (йўл ишлари учун тўкиладиган балластдан ташқари) темир йўлдан қанча масофада жойлаштирилади?

Жавоб: Чекка релс каллаги ташқи чегарасидан камида 2,5 м масофада жойлаштирилади.

18-Савол: Юк вагони ўтиш майдончасидан ҳамда йўловчи вагони тамбуридан қай тартибда тушилади?

Жавоб: Вагон ўтиш майдончасининг ушлагичларни ушлаган ва вагонга юзи билан турган ҳолда ўтиш йўлагидан тушилади.

19-Савол: Темир йўллар оралиғида вагоннинг ўтиш йўлагидан қай тартибда тушилади?

Жавоб: Темир йўллар оралиғида вагоннинг ўтиш йўлагидан тушишдан олдин зиналар ва ушлагичларнинг созлигига, темир йўл оралиғида бегона жисмлар йўқлигига ҳамда хавфли масофада ҳаракатланаётган локомотив ёки вагонларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилинади.

20-Савол: Икки темир йўл оралиғида бўлганда ва иккала йўлда поездлар ҳаракатланганда ҳатти-ҳаракат?

Жавоб: Тўхташ ва биттта йўлда поезд ўтиб кетганидан кейин ёки тўхтаганидан кейин ҳаракатни давом этиш зарур.

21-Савол: Локомотив (моторвагон поезди), ўзи юрар маҳсус ҳаракат таркиби томонидан “хабарловчи сигнал” қай тартибда берилади?

Жавоб: Битта узун ҳуштаги, тескари йўл бўйлаб ҳаракатланганда - битта узун, қисқа ва узун ҳуштаги.

22-Савол: 160 км/с дан юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар ўтаётганда темир йўлдан қанча узоқликдаги масофада уни кузатиб туриш мумкин?

Жавоб: Темир йўлнинг четки релсидан камида 10 метр масофада.

23-Савол: 120 км/с дан юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар ўтаётганда темир йўлдан қанча узоқликдаги масофада уни кузатиб туриш мумкин?

Жавоб: Темир йўлнинг четки релсидан камида 5 метр масофада.

24-Савол: 60-120 км/соат тезликкача ҳаракатланадиган поездлар ўтаётганда темир йўлдан қанча узоқликдаги масофада уни кузатиб туриш мумкин?

Жавоб: Темир йўлнинг четки релсидан камида 2 метр масофада.

25-Савол: Йўловчи ва юк поездлари аралаш ҳаракатланувчи линияларда жойлашган йўловчи ва юк платформалари тўғри участкаларда йўлнинг ўқига нисбатан 1100 мм- баланд платформалар учун йўл ўқидан кўндаланг (горизонталл) масофа қанча бўлиши керак?

Жавоб: 1920 мм- баланд платформалар учун йўл ўқидан.

IX. Санитария-гигиена талаблари.

1-Савол: Табиий шамоллатишда хаво бинога қаердан киритилади?

Жавоб: Аэрацион фонардан, фрамугадан ва ойнадан киритилади.

2-Савол: Корхонада кучли заҳарловчи моддалари (СДЯВ) билан ишлаш учун ким рухсат беради?

Жавоб: Ишчи ишлар бўлими ва давлат санэпидназаорт.

3-Савол: Хавони тозлаш воситаси нимага хизмат қиласи?

Жавоб: Хавони тозалаш мосламаси технологик жараёнларда зарур шароитларни таъминлашга, ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган жисмоний хусусиятларнинг

бошлангич материалларига, ёпик ишлаб чиқариш биноларини барчасини ёки алоҳида ҳаво талаб қилганда автоматик қўллашга хизмат қиласди.

4-Савол: Кучли заҳарловчи моддалар (СДЯВ) билан ишловчи ҳодимлар қанча муддатда аттестациядан ўтказилди?

Жавоб: Ҳар йили.

5-Савол: Неонлашган электромагнит нурланишга нима киради?

Жавоб: Ультрабинафша нурланиши.

6-Савол: Биологик факторга нима киради?

Жавоб: Патоген микроорганизмлар, продуцент микроорганизмлар ва оқсил моддалар.

7-Савол: Шовқин нима?

Жавоб: Одамни эшитиш қобилиятига ёқимсиз таъсир қилувчи хамма товушлар.

8-Савол: Табиий ёритишда ёритишининг қандай тизимлари қўлланилади?

Жавоб: Табиий ёритишда ён томондан тизими, юқоридан тизими ҳамда биргаликдаги тизимлар қўлланилади.

9-Савол: Сунъий радиация манбаларининг қандай турлари мавжуд?

Жавоб: Атмосферада ядро қуролини синовдан ўтказиш, саноат ва тиббиёт ускуналари сунъий радиация манбалари ҳисобланади.

10-Савол: Мехнат шароитларини соғломлаштириш ва яхшилаш чора-тадбирлари режасини ким ишлаб чиқади?

Жавоб: Аттестация натижалари асосида аттестация комиссияси.

11-Савол: Мехнатни ноқулай шароитларидаги ишларда банд бўлган ишчиларга нима билан бепул таъминанади?

Жавоб: Сут, даволаш-профилактика озукалари (ЛПП), маҳсус кийимлар, пойабзаллар (СИЗ) билан бепул таъминланади.

12-Савол: Шовқин, ультратовуш, тебранишдан сақланишининг асосий усулларига нималар киради?

Жавоб: Якка тартибдаги ва жамоавий химоя воситаларини қўллаш, корхоналар ва цехларни рационал режалаштириш, санитария меъёрлари ва рухсат этилган даражалар бўйича ишлаб чиқилган техник ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуини бажарилиши киради.

13-Савол: Аралаш ёритиши нима дегани?

Жавоб: Табиий ва сунъий ёритишининг биргаликда мавжудлиги.

14-Савол: Санитар-маиший хоналар таркиби қандай кўрсаткичларга боғлик?

Жавоб: Ишловчилар сонига ва ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш жараёнларига боғлик.

15-Савол: Сунъий ёритишда қайси талаблар тақдим этилади?

Жавоб: Гигиеник меъёрларга ва талабларига мос ёруғлик бўлиши зарур.

16-Савол: Қайси бирликларда заарли кимёвий факторлар ўлчанади?

Жавоб: мг/м

17-Савол: Ёруғлик қайси асбоб ёрдамида ўлчанади?

Жавоб: Люксметрда.

18-Савол: Компьютер жиҳозлари билан ишлаш хонасида ёз ва қиш кунлари ҳарорат ҳамда намгарчилик даражаси қанча бўлиши керак?

Жавоб: Ёз кунлари ҳарорат $24 - 27^{\circ}\text{C}$, намгарчилик $40 - 60\%$, қиш кунлари эса ҳарорат $21 - 24^{\circ}\text{C}$, намгарчилик эса $40 - 60\%$ бўлиши керак.

19-Савол: Компьютер жиҳозлари билан ишлаш хонасида бир иш ўрни учун иш майдони қанча бўлиши керак?

Жавоб: Иш майдони $6,0 \text{ m}^2$ ва ҳажми $20,0 \text{ m}^3$ дан кам бўлмаслиги зарур.

20-Савол: Ходимларни нурланишдан ҳимоялаш учун компьютер столлари орасидаги масофа қанча бўлиши керак?

Жавоб: Компьютерни дисплейининг орқа томони билан кейинги компьютернинг экрани орасидаги масофа 2 метрдан ва компьютер дисплейининг ён томони ҳамда қўшни столдаги компьютер дисплейининг ён томони орасидаги масофа 1,2 метрдан кам бўлмаслиги зарур.

21-Савол: Компьютерда танафусиз ишлаш вақти ва иш вақтининг умумий йифиндиси неча соатдан ошмаслиги зарур?

Жавоб: Танафусиз иш вақти 2 соатдан ва иш вақтининг умумий йифиндиси 4 соатдан ошмаслиги зарур.

22-Савол: Компьютер билан ишлаганда танаффус вақти қанча?

Жавоб: Комьютерда ишнинг ҳар икки соати давомида, тушлиқдан кейин эса ҳар бир соати давомида давомийлиги 15 дақиқа бўлган танаффус тақдим этилади.

23-Савол: Кимларга компьютерда ишлаш тавсия этилмайди?

Жавоб: Хомиладор ҳамда болани эмизувчи аёлларга.

24-Савол: Қаерда компьютер ускуналари билан ишлаш бўйича иш жойини ташкил этиш тақиқланади?

Жавоб: Бинонинг ертўласида ҳамда табиий ёруғлик кирмайдиган хоналарда.

25-Савол: Шовқинни ўлчов бирлиги нима?

Жавоб: Децибел.

X. Саноат хавфсизлигига умумий талаблар.

1-Савол: Ўзбекистон Республикасининг “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни қачон қабул қилинган?

Жавоб: Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 25 августда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2006 йил 29 июня маъқулланиб, 2006 йил 28 сентябрь куни тасдиқланган.

2-Савол: Саноат хавфсизлиги деб нимага айтилади?

Жавоб: Шахс ва жамият ҳаётий муҳим манфаатларининг хавфли ишлаб чиқариш объектларидағи авариялар ва нохуш ҳодисалардан ҳамда уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати.

3-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларидағи авария деб нимага айтилади?

Жавоб: Иншоотлар ёки хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг бузилиши, назорат қилиб бўлмайдиган портлаш ёки хавфли моддалар ажралиб чиқиши.

4-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларидағи нохуш ҳодиса деб нимага айтилади?

Жавоб: Хавфли ишлаб чиқариш объектларида қўлланиладиган техника қурилмаларининг ишдан чиқиши ёки шикастланиши, технология жараёни режимидан четга чиқиш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларнинг бузилиши.

5-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларини ҳисобга олиш ким томондан амалга оширилади?

Жавоб: Хавфли ишлаб чиқариш объектлари саноат хавфсизлиги соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат органи томонидан хавфли ишлаб чиқариш объектларининг давлат реестрида ҳисобга олинади.

6-Савол: Саноат хавфсизлиги соҳасида тартиба солиш ким томондан амалга оширилади?

Жавоб: Саноат хавфсизлиги соҳасида давлат томонидан тартиба солиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳсус ваколатли давлат органи, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасида айrim ваколатларга эга бўлган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

7-Савол: Саноат хавфсизлиги талабларига нималар киради?

Жавоб: Қонун ҳужжатларида, шунингдек норматив техник ҳужжатларда назарда тутилган шартлар, тақиқлар, чеклашлар ва бошқа мажбурий талаблар киради.

8-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш обьекти ходимларига қандай талаблар қўйилади?

Жавоб: Қонун ҳужжатларида, норматив техник ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя этишлари; саноат хавфсизлиги соҳасида тайёргарликдан ва аттестациядан ўтишлари, авария ёки нохуш ҳодиса ҳақида тегишли шахсларни дархол хабардор қилишлари; авария ёки нохуш ҳодиса юз берган тақдирда, ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туришлари; хавфли ишлаб чиқариш обьектидаги авариянинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва унинг оқибатларини

тутатиши бўйича ишларни амалга оширишда белгиланган тартибда иштирок этишлари шарт.

9-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектида кўлланиладиган техника қурилмаларини сертификатлаштириш.

Жавоб: Мажбурий сертификатлаштириш керак.

10-Савол: Саноат хавфсизлиги экспертизаси нима?

Жавоб: Саноат хавфсизлиги экспертизаси экспертиза объектининг унга нисбатан қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш.

11-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш ким томондан ўтказилади?

Жавоб: Авариянинг вужудга келиши факти бўйича унинг сабабларини техник жиҳатдан текшириш маҳсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

12-Савол: “Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби тўғрисида” Низомда нималар кўрсатиб ўтилган?

Жавоб: Ушбу Низом «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш тартиби, принциплари ва шартларини белгилайди.

13-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификациялаш ва хавфли ишлаб чиқариш объектларининг идентификация варағи нима дегани?

Жавоб: Хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек улардан фойдаланаётган ташкилотларнинг белгилари, типи ва реквизитлари жамини акс эттирадиган хужжат.

14-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларида момақалдироқ пайтида қандай ишлар олиб борилишига рухсат этилмайди?

Жавоб: Яшин қайтаргич воситаларини таъмирлаш, газ қувурларини ва ҳаво чиқариш мосламалари орқали ишлаб чиқариш маҳсулотларини атмосферага чиқариш, енгил алангланувчи ва ёнувчи суюқликлар ҳамда ёнувчи газларнинг қўйиш-тўкиш ишларини амалга ошириш.

15-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация ишларини ўтказиш муддатлари?

Жавоб: З ойдан ошмаган ҳолда.

16-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектларида юз берган аварияларни ҳисобга олиш журнали ким томонидан юритилади?

Жавоб: Корхона раҳбари томонидан тайинланган масъул шахс томонидан.

17-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш харажатларини молиялаштириш ким томонидан амалга оширилади?

Жавоб: Хавфли ишлаб чиқариш объектидан фойдаланувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

18-Савол: ХИЧОда авария содир бўлган тақдирда сугурталанувчи сугурталовчини қанча муддатда ёзма равишда хабардор қиласди?

Жавоб: З иш куни мобайнида

19-Савол: Саноат хавфсизлиги декларацияси қайта кўриб чиқиш муддати қанча?

Жавоб: 5 йилда камида 1 марта

20-Савол: Саноат хавфсизлиги экспертиза хulosасининг нусхаси каерда сақланади?

Жавоб: Экспертизани ўтказган эксперт ташкилотида ва ваколатли органида.

21-Савол: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг №784-сонли "Саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш ва экспертиза хulosасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида" Қарори қачон қабул қилинган?

Жавоб: 02.10.2018 йил.

22-Савол: ХИЧО ларни идентификациялаш тўғрилиги учун жавобгарлик кимга юкланди?

Жавоб: Идентификациялашни амалга оширадиган ташкилотга юкланди.

23-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектлари экспертиза доирасида қурилиши тугалланган объект қачон идентификацияланади?

Жавоб: Объект фойдаланишга қабул қилингандан сўнг идентификацияланади.

24-Савол: Хавфли ишларни хавфсиз олиб бориш учун ташкилий-техник чора тадбирлари?

Жавоб: ХИЧО бўлган босим остида ишловчи сифимларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш: ташқи ва ички кўрикларни ўз вақтида ўтказиш, манометр, сув тўкувчи кранник, сақловчи клапанларни созлигини текшириш, сифимни коррозияга қарши бўяш, муддати келганда сифим металлини путур етказмасдан текширишдан ўтказиш лозим.

25-Савол: Хавфли ишлаб чиқариш объектлари категорияси бўйича нечта типга бўлинади?

Жавоб: Тирик организмга таъсир қилиш даражасига кўра З та хавфлилик даражаларига.

XI. Босим остида ишловчи сифимлардан хавфсиз фойдаланиш.

1-Савол: Босим остида ишловчи сифимларни портлашга қарши (предохранительний) клапанларни меёrlаш чегаралари қанча?

Жавоб: Портлашга қарши клапанлар маҳсус стендларда бу ишларни бажаришга рухсати бор шахслар томонидан иш босимидан 15% юқори босимга меёrlанади ва бу хакда компрессорлар таъмирлаш журналига кайд этилади.

2-Савол: Босим остида ишловчи сигимлардаги портлашга қарши (предохранительной) клапанларга нима сабабдан пломба осилади?

Жавоб: Портлашга қарши клапанларни меёрда белгиланган босимларини ўзбошимчалик билан ўзгартирилишига йўл кўйилмаслик учун пружиналик клапонларни меёровчи гайкалари ва ричаклик клапонларнинг копкокларига жавобгар шахс томонидан пломбалар осилиб, бу хакда таъмирлаш журналига кайд этилади.

3-Савол: Босим остида ишловчи сигимларда манометрларни қайси носозликлар билан ишлатиш мумкин эмас?

Жавоб: Манометрларни қўйдаги ҳолларда ишлатилиши мумкин эмас: текшириш муддати ўтган ёки клеймоси йўқ бўлган ҳолда, манометрни стрелкаси ўчирилганда 0 га тушмаганда ва қайта уланган вақтда аввалги босимни кўрсатмаганда, ойнаси синган ёки бошқа механик бузилишлар бўлганда, манометр ойнаси ичида намлик ҳолатлари аниқланганда.

4-Савол: Босим остида ишловчи сигимларнинг табличкасида қандай ёзувлар ёзилади?

Жавоб: Қайд этиш рақами, рухсат этилган босим, гидравлик синов ва ички кўрикнинг кейинги муддати.

5-Савол: Босим остида ишловчи сигимларнинг металл қисмлари неча фоиз юпқалашганда фойдаланишдан олинади?

Жавоб: Босим остида ишловчи сигимларнинг металл қисмлари завод ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган қалинлигидан 20% юпқалашса фойдаланишдан олинади.

6-Савол: Босим остидаги сигимларни назорат қилишнинг путур етказмайдиган усуулари билан текшириш тартиби?

Жавоб: Махсус рухсатномага эга, Аккредитация марказидан аккредитациядан ёки маққуллашдан ўтган Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси рухсатномасига эга ташкилот томонидан текширилади.

7-Савол: Компрессорлар қандай ҳолатда портлаши мумкин бўлган сабабларни санаб беринг?

Жавоб: Манометри яхши ишламаса, мой температураси ошиб кетса ва иш клапанлари яхши ишламаса.

8-Савол: Компрессор қурилмаларини қаерларга ўрнатиш мумкин эмас?

Жавоб: Уларни одамлар бўладиган ечиниш ва идора хоналари остига ўрнатиб бўлмайди. Компрессор хоналарида компрессорлар иши билан боғлик бўлмаган бегона ускуналар, ёнувчи материаллар саклаш мумкин эмас.

9-Савол: Компрессорщикларни қанча муддатда билимларини синовдан ўтказиш зарур?

Жавоб: 12 ойда бир марта.

10-Савол: Компрессор ўрнатилган хоналарга бўлган талаблар?

Жавоб: Хона деворлари, шифтлари ва поллари мустаҳкам ёнмайдиган, емирилмайдиган материаллардан бўлиши шарт, ойна ва эшиклари ташқарига очилиши, компрессорлар орасидаги масофа 1.5 метр, деворларгача булган масофа 1 метрдан кам булмаслиги, ёритилиши 50 люкс ва телефон урнатилиши керак.

11-Савол: Қайси турдаги компрессорларда совитувчи, суюқлик ва ёғларни ажратувчи ускуналар ўрнатилади?

Жавоб: Ишлаб чиқариш қуввати $10\text{m}^3/\text{мин}$ дан кўп бўлган компрессорларда шу ускуналар ўрнатилиши шарт.

12-Савол: Коидалар бўйича манометрлар қандай текширувдан ўтказилиши керак?

Жавоб: Йилда бир маротаба Давлат стандарт назорат текшируви ўтказилиб цифроблатига клеймо қўйилади.

13-Савол: Босим остида ишловчи сифим оператори (компрессорщик) қандай шахсий ҳимоя воситасига эга бўлиши керак?

Жавоб: Махсус кийим, каска, махсус оёқ кийим ва қўлқоп.

14-Савол: Уч томонлама йўналтирувчи кранник ёрдамида манометрларни иш жойида текшириш тартиби қандай?

Жавоб: Уч томонлама йўналтирувчи кранник ручкасини бураб манометрдаги босим чиқариб юборилади, бунда манометр стрелкаси 0 га тушади, кран ручкасини аввалги ҳолатга бурганда манометр стрелкаси аввалги босимни кўрсатиши шарт. Агар бундай бўлмаса манометр носоз ҳисобланади ва бу манометр алмаштирилиши шарт.

15-Савол: Сақловчи клапанларни меъёрлаш чегаралари?

Жавоб: Предохранительной клапонлар махсус стендарда бу ишларни бажаришга рухсати бор шахслар томонидан иш босимидан 15% юқори босимга меъёрланади ва бу ҳақда компрессорлар таъмирлаш журналига қайд этилади.

16-Савол: Компрессорлар ва сифимлардаги сақловчи клапанларга нима сабабдан пломба осилади?

Жавоб: Сақловчи клапанларни меъёрда белгиланган босимларини узбошимчалик билан ўзgartирилишига йўл қўйилмаслик учун пружиналик клапонларни меъэрловчи гайкалари ва ричаглик клапанларнинг қопқоқларига жавобгар шахс тамонидан пломбалар осилиб, бу ҳақда таъмирлаш журналига қайд этилади.

17-Савол: Босим остида ишловчи сифимларда қанча босим остида гидравлик синов ўтказилади?

Жавоб: Ишлаб чиқарилган босим остида ишловчи сифимнинг энг юқори босим чегарасидан 25 % ортиқча босим билан синовдан ўтказилади.

18-Савол: Босим остида ишловчи сифимларга люк нимага керак?

Жавоб: Ички қўрик ўтказиш жараёнида конденсат натижасида ҳосил бўлган зангларни тозалашга ва сифим металлининг ҳақиқий қалинлигини аниқлашга ёрдам беради.

19-Савол: Босим остида ишловчи сифимнинг девор қалинлиги 50 мм. гача бўлса гидравлик синов вақти неча минут?

Жавоб: 10 минут.

20-Савол: Босим остида ишловчи сифимнинг девор қалинлиги 50 мм. дан 100 мм. гача бўлса гидравлик синов вақти неча минут?

Жавоб: 20 минут.

21-Савол: Босим остида ишловчи сифимнинг девор қалинлиги 100 мм. дан юқори бўлса гидравлик синов вақти неча минут?

Жавоб: 30 минут.

22-Савол: Босим остида ишловчи сифимни гидравлик синовдан ўтказиш учун сувнинг ҳарорати неча градус бўлиши керак?

Жавоб: 5°C дан паст ва 40°C юқори бўлмаслиги керак.

23-Савол: Босим остида ишловчи сифимлар гидравлик синовдан, ички ва ташқи кўрикдан ўтказиш муддати қанча?

Жавоб: Ички ва ташқи кўрик 4 йилда, гидравлик синов 8 йилда бир маротаба.

24-Савол: ХИЧО сифатида ҳисобга олинган босим остида ишловчи сифимларни техник текшириш муддатлар ва тартиби қандай?

Жавоб: Фойдаланишда бўлган босим остида ишловчи сифим металлининг коррозияланиши йилига 0,1 мм гача бўлса корхона ҳар 2 йилда, йилига 0,1мм дан юқори бўлса корхона ҳар 12 ойда ташқи ва ички кўрик ўтказади.

25-Савол: Фойдаланишда бўлган босим остида ишловчи сифимларни техник кўрикдан ўтказиш тартиби?

Жавоб: Ички кўрик, гидравлик синов, ўлчов қурилмалари ва хавфсизлик қурилмаларининг созлигини текшириш.

XII. Юк кўтариш кранларидан хавфсиз фойдаланиш.

1-Савол: Янги тайёрланган кран қандай техник хужжатлар билан таъминланган бўлиши керак?

Жавоб: Техник паспорт ва техник таърифи, йиғиш бўйича йўриқнома, ишлатиш бўйича йўриқнома.

2-Савол: Юк кўтариш кранлари илгагининг кўтариш қобиляти қанча юк кўтаришга мослашган бўлса илгаклар bemalol айланиб туриши шарт?

Жавоб: 3000 кг дан ортик юк кутаришга мослашган.

3-Савол: Юк кўтариш кранларини йиғиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини бажариш хуқуқига ким эга?

Жавоб: Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитасини томонидан берилган лицензиясига эга бўлган маҳсус корхоналар.

4-Савол: Юк кўтариш машиналарида крюкларнинг охирги кўтарилиган ҳолатига, юкни илингандан ҳолатида қанча масофа қолганда тухтатилиши шарт?

Жавоб: 200-300 мм қолганда.

5-Савол: Кўприк типидаги қранлар кабинаси троллей осилган томоннинг қайси томонига ўрнатилган бўлиши шарт?

Жавоб: Қарама-қарши томонида.

6-Савол: Кўприк типидаги қран кабинасининг атрофига ўралган тўсиқлар баландлиги қанча бўлиши керак?

Жавоб: 1 м дан кам бўлмаган.

7-Савол: Қандай кўтарма механизмлар назорат органлари томонидан рўйхатга олинади?

Жавоб: Юкоридаги рельс йўлларида ҳаракатланувчи бошқарув кабиналарига эга бўлган электр юк тележкалари, кўприк типидаги юк кўтариш қобиляти 10 тоннадан ортиқ бўлган, қўлдан бошқарилувчи қранлар, бошқариш кабиналарига эга бўлган барча юк кўтариш қранлари.

8-Савол: Фойдаланишда бўлган юк кўтариш қранлари қанча муддатда даврий ва техник кўрикдан ўтказилиши керак?

Жавоб: Қисман - 1 йилда бир марта, тўлиқ кўрикдан - хар 3 йилда бир марта, камдан-кам холларда ишлатиладиган юк кўтариш қранлари тўлиқ техник текширувдан 5 йилда бир маротаба ўтказилади.

9-Савол: Қран машинистлари саноат хавфсизлиги бўйича даврий билим синовидан қанча вақтда ўтказилади?

Жавоб: 1 йилда

10-Савол: Юк кўтариш қранлардан хавфсиз фойдаланишни ташкиллаштириш бўйича асосий қоидани белгиланг?

Жавоб: Юк кўтариш қранларининг тузилиши ва фойдаланиш хавсизлиги қоидалари (ПУБЭ) (Ўзбекистон Республикаси “Саноатгеоконтехназорат” ДИ 1994 й.);

11-Савол: Қайси турдаги юк кўтариш қранларига юк кўтариш қранлари тузилиши ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари (ПУБЭ) қўлланилмайди?

Жавоб: Барча қўл орқали ишлатиладиган қурилмалар грейф ёки ер қазиш қурилмалари билан ишловчи эксковаторларга труба ётқизувчи ва авто юк ортувчи машиналар, штабелерларга. - ҳарбийларнинг маҳсус машиналари.

12-Савол: Юк кўтариш қранлари илгагига ТХФК (ПУБЭ) талаблари?

Жавоб: З тоннадан ортиқ юк кўтаришга мослашган илгаклар бемалол айланиб туриши шарт, техник паспортга эга бўлади, ўз ўзидан стропаларнинг чиқиб кетишига йўл қўймайдиган мосламаларга эга бўлади, маҳсус корхоналарда тайёрланади.

13-Савол: Юк кўтариш кранларини йигиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориши тартиби?

Жавоб: Юк кўтариш кранларини йигиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари “Саноатгеоконтехназорат” ДИ лицензияга эга бўлган маҳсус корхоналар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида бажарилади.

14-Савол: Ечиб қўйиладиган юк ушлаш мосламаларини синовдан ўтказиши тартиби?

Жавоб: Ечиб қўйиладиган юк ушлаш мосламалари, номинал юк кўтариш кувватидан 25% ортиқ юк билан синовдан ўтказилади.

15-Савол: Автокран 10 кВ ваундан юқори кучланишдаги ҳаво электр узатиши линиясидан қанча масофада ўрнатилиши керак?

Жавоб: 30м

16-Савол: Юк кўтариш кранларини бошқаришга кимларга руҳсат этилади?

Жавоб: 18 ёшга тўлган, етарли малакага эга маҳсус гувоҳномаси мавжуд шахсларга руҳсат этилади.

17-Савол: Юк кўтариш кранларини тўлиқ техник қўриқдан ўтказиши кимнинг бошчилигига ўтказилади?

Жавоб: Билим синовидан ўтган корхона бўйича юк кўтариш кранларининг техник ҳолати бўйича назорат юклатилган шахс бошчилигига.

18-Савол: Юк кўтариш кранларини тўлиқ техник қўриқдан ўтказишида статик синашда қанча микдорда (фоиз) юк кўшилган ҳолда ўтказилади?

Жавоб: 25 фоиз.

19-Савол: Юк кўтариш кранларини тўлиқ техник қўриқдан ўтказишида динамик синашда қанча микдорда (фоиз) юк кўшилган ҳолда ўтказилади?

Жавоб: 10 фоиз.

20-Савол: Юк илдириш мосламалари қанча вақт оралиғига қўриқдан ўтказилади?

Жавоб: Турига қараб ҳар 10, 15, 30 кунларда.

21-Савол: Юк кўтариш кранлари маълумот тахтасида қандай ёзувлар бўлиши лозим?

Жавоб: Юк кўтариш крани тури, юк кўтариш қобиляти, рўйхат ва завод рақами, тўлиқ техник қўриқдан ўтказилган ва кейинги ўтказиладиган сана.

22-Савол: Юк кўтариш кранини таъмирлашда ёритиш мосламасига неча волтдан ортиқ бўлмаган кучланиш берилади?

Жавоб: 42V дан ортиқ бўлмаган кучланиш.

23-Савол: Қандай юк кўтариш кранларининг илгакларида юкнинг ўз ўзидан чиқиб кетишини олдини олувчи замоксиз ишлашга руҳсат этилади?

Жавоб: Металл қўйма ишларни бажарувчи юк кўтариш кранларида.

24-Савол: Юк күтариш кранларида ишлашга қўйиладиган талаблар?

Жавоб: 18 ёшга тўлган, тибий қўриқдан ўтган, юк күтариш кранларини бошқариш хукуқини берувчи гувохномага эга бўлиши ва аттестациядан ўтган бўлиши керак.

25-Савол: Юк күтариш кранларининг маълумотнома тахтачасида қандай ёзувлар қайд этилган бўлади.

Жавоб: Юк күтариш крани тури, юк күтариш қобиляти, рўйхат ва завод рақами, тўлиқ техник кўриқдан ўтказилган ва кейинги ўтказиладиган сана.

XIII. Кранлар ёрдамида юкни хавфсиз кўчириш.

1-Савол: Қайси юкларни күтариш тақиқланади?

Жавоб:

Тупроқ босган, музлаб ёпишиб қолган, бошқа юклар билан тўсилиб қолган, бетон билан қопланган юкларни;

Устида одам бўлган юкларни;

Кран стреласининг қулочига кўра краннинг юк күтариш қобилиятидан юқори вазндаги ёки ноъмалум вазндаги юклар.

2-Савол: Қайси тарзда юк күтариш тақиқланади?

Жавоб: Канат (арқон)лар қия ҳолатда бўлганда ер, пол ёки рельслар бўйлаб юкни судраб бориш;

Юк нотўғри илингандан;

Юк омонат илиниб турганда;

Юк икки шохли чангакнинг битта шоҳида илингандан;

Юк тарада бортдан ошириб ортилганда.

3-Савол: Кран машинистига юк ёки илмоқни күтариш ишораси (сигнали) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Бел даражасида қўлни тирсакдан букиб, кафтни юқорига қаратган ҳолда тепага деган узук-узук ишора бериш.

4-Савол: Кран машинистига юк ёки илмоқ тушириш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Кўкрак олдида қўлни тирсакдан букиб, кафтни қуйига қаратган ҳолда пастга деган узук-узук ишора бериш.

5-Савол: Кран машинистига кранни (кўприкли, чорпоя) суриш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Қўлни чўзган ҳолда кранни (кўприкли, чорпоя) сурилиши керак бўлган томонга қаратиб кафт билан ишора бериш.

6-Савол: Кран машинистига кран аравачаси (тележка)ни суриш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Қўлни тирсакдан буккан ҳолда аравача (тележка) сурилиши керак бўлган томонга қаратиб кафт билан ишорат бериш.

7-Савол: Кран машинистига автокран стреласини буриш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Қўлни тирсакдан буккан ҳолда сурилиши керак бўлган томонга қаратиб кафт билан ишорат бериш.

8-Савол: Кран машинистига автокран стреласини кўтариш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Туширилган вазиятдан қўлни олд томонга чўзиб, кафтни очган ҳолда тепага деган ишора бериш.

9-Савол: Кран машинистига автокран стреласини тушириш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Қўлни вертикал кўтарилган вазиятдан олд томонга чўзиб, кафтни очган ҳолда пастга деган ишора бериш.

10-Савол: Кран машинистига юкни кўтариш ёки суришни тўхтатиш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Қўл кафтини қуйига қаратган ҳолда у билан бел даражасида ўнг ва чапга кескин ишора бериш.

11-Савол: Кран машинистига эҳтиёт бўлиш ишораси (сигнал) қўл ёрдамида қандай узатилади?

Жавоб: Қўллар теппага кўтарилган ва кафтлар яқин масофада бир-бирига қаратилган.

12-Савол: Қайси ҳолатларда кран иши тўхтатилади?

Жавоб: Кучли шамол, момақалдироқ, ёмғир, туман, қор ва шунга ўхшаш об-ҳаво шароитларида тўхтатилади.

13-Савол: Қайси ҳолларда кран ёрдамида юклар кўчирилганда сигналист тайинланади?

Жавоб: Агар кран ишлатилаётган жой кранчига кўринмаётган бўлса сигналчи тайинланади.

14-Савол: Қачон занжирли стропа яроқсиз деб топилади?

Жавоб: Занжир бўғинларининг дастлабки хажмидан 3% дан зиёд катталашуви; Занжир бўғинларининг кесиши маҳсулоти эскирган туфайли 10% дан зиёд даражада кичрайиши.

15-Савол: Қачон илгак яроқсиз деб топилади?

Жавоб: Юза қисмида дарзлар ва йиртилган жойлар, илгак бўғзининг вертикал кесиши махсус дастлабки баландлигидан 10%дан зиёд даражада ейилиши.

16-Савол: Қандай шикастланишларда йўғон арқондан фойдаланиш тақиқланади?

Жавоб: Қуйидаги шикастланишлар мавжуд бўлганда йўғон арқон (канат)дан фойдаланиш тақиқланади:

саватсимон шаклда бузилиши;
ўзакнинг бўртиб чиқиши;

канат диаметрининг маҳаллий каттайиши;
канатнинг ортиқча буралганлиги;
тутамлар симини сиқиб чиқарилганлиги;
канатнинг эзиб юборилганлиги;
канат ортиқча букиб юборилганлиги;
канатдаги синишлар.

17-Савол: Стропа ёрлиғида қандай маълумотлар кўрсатиб ўтилади?

Жавоб: Стропа ёрлиғида ишлаб чиқарувчи завод, стропанинг рўйхатга олинган рақами, стропанинг юк кўтариш қобилияти, синов амалга оширилган сана кўрсатиб ўтилади.

18-Савол: Юкни кўтаришда юк тўғри илингандигини ва тормоз тизимининг созлигини текшириш учун юк қанча баландликка кўтарилиши керак?

Жавоб: 200-300мм

19-Савол: Майдадонадор юкларни ташиш қоидалари?

Жавоб: Майдадонадор юклар махсус таралар ёрдамида ташилади, бунда юкларни тушиб кетишини олдини олиш мақсадида тара бортининг юқори сатхидан 100 мм пастроқгача тўлдириш керак.

20-Савол: Юкларни кўчиришда йўллардаги буюм ва юклардан энг камида қанча баландликдаги масофада кўтариб кўчириш лозим?

Жавоб: 500мм.

21-Савол: Юк кўтариш кранлари билан ишлашда юк илдирувчи (стропальщик) ва кран машинисти орасида қанча масофа бўлганда радио алоқа воситаси орқали сигналлар алмашинуви ташкиллаштрилиши зарур?

Жавоб: 36 метрдан ортиқ.

22-Савол: Юк илдириш воситалари ёрдамида юк кўтарилиганда стропалар орасидаги бурчак неча градусдан ошмаслиги керак?

Жавоб: 90° дан ошмаслиги зарур.

23-Савол: Юк кўтариш илгакларда қайси турдаги юкларни илинганд ҳолда қолдириш мумкин?

Жавоб: Юк кўтариш илгакларда юкларни илинганд ҳолда қолдириш тақиқланади.

24-Савол: Юк илдирувчи (стропальщик) ким?

Жавоб: Етарли малакага эга, махсус рухсатномага эга, юкни бир жойдан бошқа жойга беталофат кўчиришга жавобгар шахс

25-Савол: Кран ёрдамида юк кўчирилиганда хавфли ҳудуд қандай аниқланади?

Жавоб: Кран ёрдамида юк кўчирилиганда хавфли ҳудуд юкнинг энг катта габарит ўлчами ва юкни эҳтимолий отилиб кетилишининг энг минимал масофаси йиғиндисига teng.

XIV. Буғ ва сув иситиш қозонларидан хавфсиз фойдаланиш.

1-Савол: Қандай қозонлар хавфли ишлаб чиқариш обьекти сифатида ҳисобга олинади ва рўйхатга қўйилади?

Жавоб: Қозонлар ишлаш жараёнида 0,07МПа дан ортиқ босим остида ишловчи ва суюқликнинг қайнаш ҳароратидан 115° ва ундан юқори бўлган қозонлар.

2-Савол: Қозоннинг ҳар 1 мм туз чўқмалари ёқилғи сарфини неча фоиз (%) га оширади.

Жавоб: 10% га.

3-Савол: Иситиш қозонларини қандай ювиш турлари мавжуд?

Жавоб: Кимёвий, гидропневматик.

4-Савол: Агар хавфсизлик клапанининг носозлиги аниқланса ва қозон барабанидаги босим рухсат этилганидан 10% га ошса ва босим ўсишда давом этсанима иш қилиш талаб этилади?

Жавоб: Қозонни фавқулотда ўчириш.

5-Савол: Қозонхона оператори қандай ҳолатларда пеҷда ёнаётган ёқилғини устига сув қуиши орқали ўчириши мумкин?

Жавоб: Ҳеч қандай ҳолатда.

6-Савол: Қозоннинг сув кўрсатувчи мосламаларига хизмат кўрсатиш платформасидан сув кўрсатувчи ойнанинг ўртасигача бўлган вертикал масофа қанча бўлиши керак?

Жавоб: 1м дан кам ва 1.5 м дан кўп бўлмаслиги керак.

7-Савол: Қозонхонадаги платформанинг эркин баландлиги неча метрдан кам бўлмаслиги керак?

Жавоб: 2 м

8-Савол: Қандай ҳолатларда буғ ва сув иситиш қозонларини зудлик билан ишлатишдан тўхтатилиши лозим?

Жавоб: Қозондаги суюқлик даражаси рухсат этилган даражадан пастга тушганда, хавфсизлик блокировкалаш мосламаларининг нотўғри ишлашида, қозонда бевосита таҳдид солувчи ёнгин содир бўлганда.

9-Савол: Сув иситиш қозонининг суви занг, калций карбонат, магний ионлари ва бошқа моддаларнинг аралашмаларидан тозаланмаган бўлса, бу нимага олиб келади?

Жавоб: Қувурларнинг занглашига олиб келади.

10-Савол: Иситиш қозонларини қайси ювиш турида ҳаво билан аралаштирилган сув юқори босим остида тизимга берилади?

Жавоб: Гидропневматик.

11-Савол: Иситиши тизими ювилгандан сўнг унинг параметрларига қараб неча фоиз (%) ортиқча босим билан синалади?

Жавоб: Ишлаб чиқарувчи томонидан рухсат этилган босимга кўшимча 25% юкланиш билан.

12-Савол: Қозонларни навбатдан ташқари гидравлик синовдан ўтказиш қачон амалга оширилади?

Жавоб: Қозонда ёки иситиши тизимида таъмирлаш ишлари амалга оширилганда, юқори турувчи ташкилот буйруғи асосида.

13-Савол: Ювиш ва синов ишлари якунлангандан кейин аниқланган камчиликлар бартараф этилиб маъсул шахслар иштирокида қозон ҳолати бўйича қандай хужжат расмийлаштирилади?

Жавоб: Далолатнома.

14-Савол: Қозонхона оператори мустақил ишлашга рухсат олишдан олдин неча кун давомида амалиёт ўташи лозим?

Жавоб: 2-15 кун.

15-Савол: Қозонхона оператори энг камида қанча вақт оралиғида иш жараёнида такорий имтихондан ўтиши керак?

Жавоб: Ҳар 6 ойда.

16-Савол: Ишни бошлашдан олдин оператор қайси хужжат билан танишиши, олдинги сменадан қозон ва қозонхона жиҳозларини қабул қилиши керак?

Жавоб: Смена (вахта) журналидаги маълумотлар (камчиликлар).

17-Савол: Қозонни текширишда неча волтдан (В) дан юқори бўлмаган кучланишли электр ёритгичлардан фойдаланиш керак?

Жавоб: 12В.

18-Савол: Қозонхона оператори смена охирида, агар кейинги навбатчи иш жойига келмаган бўлса, смена йўқлиги тўғрисида кимга хабар бериб, ишни давом этиши керак?

Жавоб: Корхона раҳбарига ва бош муҳандисга.

19-Савол: Босим остида ишловчи сифимлар босим кўрсатгич ускуналари (манометр) қайси муддатларда қиёслашдан ўтказилади?

Жавоб: 1 йилда бир марта, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Ўзстандарт) томонидан.

20-Савол: Қозон оралиғидан эркин ўтиш учун жойининг минимал кенглиги қанча бўлиши лозим?

Жавоб: 600мм дан кам бўлмаслиги керак.

21-Савол: Қозонхонада нечта ўт ўчиргич бўлиши керак?

Жавоб: Қозонларнинг ҳар битта ўчоги учун биттадан ўт ўчиргич бўлиши керак.

22-Савол: Қаттиқ ёқилғида ишлайдиган қозонхоналар қандай шамоллатиш тизими билан жихозланган бўлиши керак?

Жавоб: Уч томонлама шамоллатиш тизими билан.

23-Савол: Қозонларга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун қозонлардан хавфсиз фойдаланиш бўйича наъмунавий қўлланма қайси хужжат асосида ишлаб чиқилади?

Жавоб: Қозон паспорти.

24-Савол: Қозонхонада неча кг дан ортиқ кўмир ва қўмир брикет маҳсулотлари сақлаш тақиқланади?

Жавоб: 30 кг дан ортиқ.

25-Савол: Қозонхонада қанча ўтин маҳсулоти сақланиши мумкин?

Жавоб: 0,02 м3.

XV. Автоклавлардан хавфсиз фойдаланиш.

1-Савол: Қайси ҳолларда манометрни ишлатишга рухсат берилмайди?

Жавоб: Тамға ёки муҳр бўлмаганда, давлат текширувидан ўтказиш муддати тугаган бўлса, ускуна ўчирилганда манометр кўрсаткичи нолга қайтмаса, манометр ойнаси синган бўлса ёки бошқа носозликлар манометрнинг босимни тўғри кўрсатишига тўскинлик қилса.

2-Савол: Манометрларни текшириш, уларга муҳр ёки тамға қўйиш қанча муддатда амалга оширилади?

Жавоб: Бир йилда бир мартадан кам бўлмаган муддатда.

3-Савол: Қанча муддатда техник хизмат кўрсатадиган муассасалар томонидан қўшимча равишда манометр кўрсаткичлари назорат манометрлари кўрсаткичлари билан, назорат манометрлари бўлмаганда давлат текширувидан ўтган бошқа ишчи манометр кўрсаткичлари билан солиштириб текширилади ва натижалари назорат дафтарига қайд қилинади?

Жавоб: Ҳар 6 ойда бир марта

4-Савол: Техник кўрик натижалари техник кўрикни ўтказган шахс томонидан қайси хужжатга ёзилади?

Жавоб: Автоклавнинг паспортига ҳамда автоклавларни шаҳодатдан ўтказиш ва қайд қилиш журналига ёзилади.

5-Савол: Автоклав қайси ҳолларда техник кўриқдан ўтказилади?

Жавоб: Босим остида ишлайдиган автоклав қисмлари пайвандланганда ёки тўлиқ таъмирлангандан сўнг, автоклавни ишга туширишдан олдин бир йилдан кўп вақт ишламаган бўлса (омборда консервация қилиш бундан мустасно), автоклавлар 3 йилдан кўп вақт сақланган бўлса, автоклав ишлатилаётган жойидан кўчирилиб, янги жойга ўрнатилган бўлса, назорат қилувчи шахс томонидан ёки автоклавнинг хавфсиз ишлаши учун жавобгар шахс томонидан автоклавни техник кўриқдан ўтказиш лозим деб топилганда.

6-Савол: Автоклавни қайси муддатда техник кўриқдан ўтказилади?

Жавоб: З ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

7-Савол: Автоклав қайси муддатда ички қисмлари техник кўриқдан ўтказилади?

Жавоб: Уни ишга туширишдан олдин ҳамда ҳар 2 йилда бир маротаба амалга оширилади.

8-Савол: Автоклав темирининг занглашига олиб келувчи муҳитлар остида ишловчи автоклав қайси муддатда техник кўриқдан ўтказилади?

Жавоб: Камида 12 ойда бир марта.

9-Савол: Автоклав ички қисмлари техник кўриги қайси тартибда ўтказилади?

Жавоб: Автоклав ўчирилганидан кейин совутилиб, заарсизлантирилаётган материаллардан бўшатилади, автоклавнинг барча қисмларидан ҳимоя қопламалари ечилади, автоклавнинг сувли, буғли, заарсизлантириш камералари ва буғ қозони қурум ёки зангдан темиригача тозаланади ҳамда уларда занглаш, чифаноқ бўлиши, букилиш ва бошқа камчиликлар борлиги текширилади, автоклавнинг темири ечилади, қурумдан тозаланиб, таъмирланади, жўмрак ва клапанлар тозалаб артилади.

10-Савол: Автоклавнинг гидравлик синови қачон ўтказилади?

Жавоб: Автоклавни ишлаб чиқарган заводда биринчи ўтказилган синовдан кўпи билан 4 йилдан кейин, кейинчалик эса ҳар 2 йилда камида бир марта ўтказилади.

11-Савол: Қачон муддатлар тўлмасдан туриб ҳам гидравлик синовдан ўтказилиши мумкин?

Жавоб: Агарда автоклавни ташиш ва ўрнатиш вақтида унга зарар етказилган бўлса, шунингдек муассаса томонидан автоклавни гидравлик синовдан ўтказиш лозим деб топилган тақдирда автоклав юқорида кўрсатиб ўтилган.

12-Савол: Қайси ҳолларда автоклав гидравлик синовдан ўтган ҳисобланади?

Жавоб: Автоклав деворларида ва бошқа қисмларида ёриқлар ҳосил бўлмаганда, гидравлик синовдан сўнг автоклав деворларининг шакли ва ҳолати бузилмаганда, пайвандлаш йўли билан уланган қисмлардан сув оқиб чиқмаганда, автоклав темирида узилиш кузатилмаганда.

13-Савол: Қайси белгилар мавжуд бўлганда автоклав гидравлик синовдан ўтмаган ҳисобланади?

Жавоб: Агар пайвандланган чокларда, деворда сув томчилари ёки буғ пайдо бўлса, автоклав гидравлик синовдан ўтмаган ҳисобланади.

14-Савол: Автоклавни ўрнатишида девордан автоклавгача бўлган масофа қанча бўлиши керак?

Жавоб: Камида 0,8 м.

15-Савол: Шкаф тузилишли автоклавни хона деворидан қанча масофа узоқликда ўрнатилади?

Жавоб: Камида 1,5 м.

16-Савол: Автоклавни ёқиб-ўчирувчи мосламани ўрнатиш талаблари?

Жавоб: Хонанинг полидан 1,6 м баландликда ҳамда автоклавдан 1 м узоқликда ўрнатилади.

17-Савол: Автоклав нима?

Жавоб: Ҳар хил турдаги ишларни бажариш учун атмосферадан юқори босим остида иситишни талаб этувчи герметик аппарат.

18-Савол: Автоклавни электр тармоғига улаш қандай амалга оширилади?

Жавоб: Алоҳида тармоқ орқали ёки автоматик ёқиб-ўчирувчи мослама орқали (АП-50 ёки шунга ўхшаш) уланиши керак.

19-Савол: Автоклав эшигини стерилизациядан ўтгандан кейин неча дақиқадан сўнг очишга руҳсат берилади.

Жавоб: 30 дақиқадан сўнг руҳсат этилади.

20-Савол: Автоклавга хизмат кўрсатувчи ходим қайси муддат оралиғида ўқитилиши керак?

Жавоб: Янги ишга келган ходим ишга тушишидан олдин ва кейинчалик иш жараёнида ҳар 12 ойда бир марта ўқитилади.

21-Савол: Автоклавга хизмат кўрсатувчи ходимнинг билим савияси қайси муддатда ким томондан текширилади?

Жавоб: Ходимларнинг билим савияси ҳар 12 ойда камида бир марта муассасада ташкил этилган синов комиссияси томонидан текширилади.

22-Савол: Автоклавни қаерга жойлаштириш мумкин эмас?

Жавоб: Автоклавни бевосита даволаш ва муолажа хоналари, бўлинмаларнинг устки ёки остки қаватида, шунингдек бошқа хоналар билан қўшилган ҳолда жойлаштириш мумкин эмас.

23-Савол: Автоклавнинг паспорти ким томонидан тўлдириб борилади ва сақланади?

Жавоб: Паспорт автоклавнинг тўғри ва хавфсиз ишлаши учун жавобгар шахс томонидан тўлдирилади ва сақланади.

24-Савол: Автоклав ички қисмларини техник кўриқдан ўтказиш санаси ва гидравлик синов ўтказиладиган сана ким томонидан белгиланади?

Жавоб: Ваколатли идора ёки муассаса (автоклав эгаси) раҳбарияти томонидан.

25-Савол: Қайси ҳолатда автоклавни таъмирлаш тақиқланади?

Жавоб: Автоклав ишлаб турган вақтда уни ёки унинг ишчи қисмларини таъмирлаш тақиқланади.

Ишлаб чиқди:

НБТ етакчи муҳандиси

Б.А.Рахимжанов

НБТ етакчи муҳандиси

И.И.Рустамов

**“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ департаментлари, бошқармалари,
марказлари, корхона ва ташкилот раҳбарларининг ҳамда меҳнат
муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги мутахассисларининг меҳнат
муҳофазаси бўйича билимини тест усулида синаш учун саволлар
тўпламига
КЕЛИШИШ ВАРАФИ**

Киритилди: НБТ


Юборилади: _____

Келишилди:

НБТ




РК



Э



НО



МСЭС

